В.И. РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЖИЕВ ИКРОМБЕК ОЗОДОВИЧ

АРАЛАШ ТУРДАГИ ЮҚОРИ ТАРТИБЛИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР ВА ТЕНГЛАМАЛАР СИСТЕМАСИ УЧУН НОКОРРЕКТ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика (физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

УДК: 517.956.6+517.983.54

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Хажиев Икромбек Озодович
Аралаш турдаги юқори тартибли дифференциал тенгламалар ва тенгламалар системаси учун нокоррект масалалар 3

Хажиев Икромбек Озодович
Некорректные задачи для дифференциальных уравнений и системы уравнений высокого порядка смешанного типа 35

Khajiev Ikrombek Ozodovich
Ill-posed problems for high order mixed type differential equations and system of equations 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……...……..... 71

В.И. РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЖИЕВ ИКРОМБЕК ОЗОДОВИЧ

АРАЛАШ ТУРДАГИ ЮҚОРИ ТАРТИБЛИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР ВА ТЕНГЛАМАЛАР СИСТЕМАСИ УЧУН НОКОРРЕКТ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика (физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/FM136 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://kengash.mathinst.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Фаязов Кудратилло Садридинович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Дурдиев Дурдимурод Каландарович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Пятков Сергей Григорьевич физика-математика фанлари доктори, профессор
	Уразбоев Гайрат Уразалиевич физика-математика фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**С.Л. Соболев номидаги Математика институти (Россия)**

Диссертация ҳимояси В.И. Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 28 » июль соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz.)

Диссертация билан В.И. Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (142- рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40).

Диссертация автореферати 2022 йил « 13 » июль куни тарқатилди.
(2022 йил « 13 » июлдаги 2- рақамли реестр баённомаси).

У.А. Розиков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К. Адашев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

А. Азамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда математик физиканинг нокоррект чегаравий масалаларини тадқиқ қилишга келтирилади. Шу жумладан, аралаш турдаги дифференциал тенгламалар ва тенгламалар системасига қўйилган нокоррект чегаравий масалалар газ динамикаси муаммоларида, сиртларнинг чексиз кичик эгилишлари назариясида, сув сатҳининг ўзгаришини ўрганишда, электронлар тақсимоти назариясида, магнитли гидродинамикада, математик биология ва бошқа соҳалар муаммоларида қўлланилади. Маълумки, нокоррект масалаларни ечиш ва уларнинг тақрибий ечимини қуриш асосан математик физиканинг модел тенгламалари учун бажарилган. Ноклассик тенгламалар ва тенгламалар системаси учун нокоррект масалаларни шартли турғунликка текшириш, мос корректлик тўпламида тақрибий ечимини қуриш амалий тадқиқотларнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда аралаш турдаги тенгламалар ва тенгламалар системаси учун нокоррект чегаравий масалаларни тадқиқ қилиш математик физиканинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларга қўйилган нокоррект чегаравий масалалар тадқиқотида ечимнинг априор баҳосини аниқлаш, ягоналик ва шартли турғунлик теоремаларини исботлаш, регулярлашган ечимни қуриш муҳим аҳамият касб этади. Аралаш турдаги тенгламалар сифатида вақт бўйича йўналишини ўзгартирувчи параболик турдаги, гипербола-эллиптик турдаги ва битта чизиқда бузилишга эга тенгламалар қаралган. Мазкур тенгламалар ва тенгламалар системалари учун нокоррект масалаларни шартли турғунликка текшириш ва тақрибий ечимларини қуриш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган дифференциал тенгламалар ва математик физиканинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, тескари ва нокоррект масалаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги даврга ча республикамизда классик турдаги дифференциал тенгламалар ва уларнинг системалари, аралаш турдаги дифференциал тенгламалар ва уларнинг системалари учун нокоррект масалаларга оид салмоқли натижаларга эришилган. Математик фанларнинг устувор йўналишлари бўйича, айниқса, «алгебра ва функционал анализ, дифференциал тенгламалар ва математик физика, динамик системалар назарияси» бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш Фанлар Академияси В.И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятининг асосий вазифаси ва йўналиши этиб белгиланган[1]. Қарор ижросини таъминлашда математик физиканинг нокоррект масалаларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йуналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот ЎзР фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди IV. «Математика, механика, информатика».

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2]. Дифференциал тенгламалар ва тенгламалар системалари учун нокоррект масалалар ва уларни шартли корректликка текшириш, регулярлашган ечимини қуриш бўйича илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Москва давлат университети, Новосибирск давлат университети, Урал давлат университети, Сибир федераль университети, Воронеж давлат университети, С.Л.Соболев номидаги математика институти, Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институти, Н.Н.Красовский номидаги математика ва механика институти (Россия), Корнелл университети, Алабама университети, Брукхавен миллий лабораторияси, Шарлоттадаги шимолий Каролина университети (АҚШ), Мюнхен университети, Кайзерслаутерн техника университети, Саара университети (Германия), Клагенфурт университети (Австралия), Глазго университети (Шотландия), Милан университети (Италия), Измир университети, Кожаели университети (Туркия), Баку университети (Азарбайжон), Токио университети (Япония), Геология ва геофизика институти, Цинхуа университети (Хитой), Лвов политехника миллий университети, Механика ва математиканинг амалий муаммолар институти (Украина), Қозоғистон миллий университети, Математика ва математик моделлаштириш институтида (Қозоғистон) кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

---

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: Arkiv Mathematics Astronomis, www.springer.com/mathematics/journal/11512; Ill-posed problems, https://www.elsevier.com, https://www.scival.com; Inverse and Ill-posed Problems, https://www.degruyter.com; www.scopus.com; Некорректная задача, http://www.mathnet.ru; www.scholar.google.com; Ill-posed problems, https://link.springer.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Дифференциал тенгламалар ва тенгламалар системаси учун нокоррект масалаларни ечиш назариясига оид дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор долзарб масалалар ечилган бўлиб, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Математик физиканинг нокоррект ва тескари масалаларини ечиш ва регулярлаштириш усуллари топилган, бузилишга эга дифференциал тенгламалар учун нокоррект масалалар ўрганилган (Москва давлат университети, Новосибирск давлат университети, С.Л. Соболев номидаги математика институти, Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институти, Сибир федераль университети); Карлеман функцияси ва баҳоси назарияси нокоррект масалаларни шартли корректликка текширишда юқори даражада фойдаланилган (Корнелл университети, Брукхавен миллий лабораторияси, Шарлоттадаги шимолий Каролина университети); абстракт дифференциал тенгламалар назарияси ва уларнинг ечимлари характеристикаси ўрганилган (Воронеж давлат университети); бузилишга эга дифференциал тенгламалар учун нокоррект масалаларни регулярлаштириш усуллари билан тақрибий ечиш ўрганилган (Мюнхен университети, Кайзерслаутерн техника университети, Саара университети).

Бугунги кунда ноклассик дифференциал тенгламалар ва тенгламалар системаси учун нокоррект масалалар ечими априор баҳосини топиш, корректлик тўпламини аниқлаш, ягоналик ва шартли турғунлик теоремаларини исботлаш, корректлик тўпламидан ташқарига чиқармайдиган тақрибий ечимни қуриш каби устувор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Нокоррект масалалар назарияси ўтган асрнинг 60-йилларидан тез ривожлана бошлади. А.Н. Тихонов, В.К.Иванов, М.М. Лаврентьев, F. John машҳур математиклар тескари ва нокоррект масалалар назариясининг асосчилари ҳисобланиб, уларнинг ишларида нокоррект масалаларни ечишнинг асосий усуллари белгилаб берилган. Параболик тенгламалар учун тескари Коши масалалар А.Н.Тихонов, Е.М.Ландис, С.Г. Крейн, J.R. Canon, С.П. Шишатский, H.A. Levine ва бошқаларнинг илмий ишларида қаралган. Бу ишларда параболик турдаги тенгламалар учун Коши масаласини характерламайдиган тескари вақт оралиғи масаласининг шартли корректлиги ўрганилган. Кейинчалик С.Г.Крейн, Х.Левин ва бошқалар томонидан ўз-ўзига қўшма оператор коэффициентли биринчи тартибли дифференциал тенгламалар учун натижалар олинган. Эллиптик турдаги тенгламалар ва тенгламалар системасм учун нокоррект масалаларни шартли корректликка текширишни F. John, М.М. Лаврентьев, С.Г. Крейн, D. Colton, Е.М. Ландис, В.К. Иванов, L.E. Payne, S. Agmon, A.Douglis, Ш. Ярмухамедов, Н.Н. Тарханов, А.А. Шлапунов ва бошқалар тадқиқ қилишган. Гиперболик тенглама ва тенгламалар системаси учун нокоррект масалалар E.H. Young, D.G. Bourgin ва R. Duffin, Б.И. Пташник, Ш.О. Алимов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ушбу диссертация тадқиқот ишида аралаш турдаги дифференциал

тенгламалар ва тенгламалар системаси учун нокоррект чегаравий масалалар тадқиқ қилинган. Аралаш турдаги тенгламалар сифатида вақт бўйича йўналишини ўзгартирувчи параболик тенглама, гипербола-эллиптик турдаги тенглама ва юқори тартибли аралаш турдаги тенгламалар қаралган. Дастлаб M. Gevrey ишларида вақт бўйича йўналишини ўзгартирувчи параболик тенгламалар ўрганилган. Бироз танаффусдан сўнг бу турдаги тенгламаларга қизиқиш бошланган ва бир нечта мақолалар чоп қилинган. Буларга мисол қилиб M.S. Baouendi ва P. Grisvard, C.D. Pagani ва G. Talenti, L. Cattabriga илмий ишларини келтириш мумкин. С.А. Терсенов ишларида йўналиши ўзгарувчан модел параболик тенглама ва бошқа қатор модел тенгламалар кўриб чиқилган. Кейинчалик бу йўналиш А.М. Нахушев, Н.Н. Кислов, А.А.Керефов, Т.Д. Джураев, И.Е. Егоров, С.Г. Пятков ва бошқаларнинг ишларида ривожлантирилди. Йўналишини ўзгартирувчи юқори тартибли параболик тенгламалар учун турли чегаравий масалалар И.Е. Егоров, С.В.Попов, Д. Аманов ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган. Бу турдаги тенгламалар учун нокоррект масалалар H.A. Levine, С.П. Шишатский, К.С.Фаязовларнинг тадқиқот мавзуси бўлган.

Гипербола-эллиптик аралаш турдаги модел тенгламалар учун чегаравий масалалар биринчилардан бўлиб Ф.Трикоми ва С.Геллерстедт илмий ишларида ўрганилган. Ф.И. Франкль, И.Н. Векуа ўзларининг илмий ишларида аралаш турдаги тенгламалар муҳим амалиёт масалалари билан боғлиқ эканлигини кўрсатишган. Кейинчалик аралаш турдаги тенгламалар учун турли масалалар кўплаб математик олимларнинг тадқиқот мавзуси бўлган. Шу жумладан М.А.Лаврентьев, А.В.Бицадзе, M.H. Protter, S. Agmon, C.S.Morawetz, К.И. Бабенко, С.П. Пулькин, М.М. Смирнов, М.С.Салахитдинов, Т.Д.Джураев, В.Н.Врагов, Г.Д. Каратопраклиев J.M.Rassias, К.Б. Сабитов, А.И.Кожанов, А.П.Солдатов ва уларнинг илмий мактабининг илмий ишлари бу турдаги тенгламалар тадқиқотига бағишланган. H.A. Levine, К.С. Фаязов, М. Аламинов, З.Ш.Абдуллаева, Я.К.Худайберганов илмий ишларида аралаш турдаги иккинчи тартибли дифференциал тенгламалар учун нокоррект масалаларни шартли корректликка текшириш ва регулярлашган тақрибий ечимини қуриш билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқитқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасидаги ОТ-Ф1-125 “Реакция-диффузия ва Клейн-Гордон туридаги тенгламалар ва системалар билан ифодаланувчи чизиқсиз жараёнларни компьютерда моделлаштириш ва визуаллаштириш, абстракт дифференциал тенгламалар учун нокоррект масалалар” (2007-2011 йй.) ҳамда Ф-4-30 “Оператор тип коэффициентли дифференциал-оператор тенгламалар учун ички ва чегаравий масалалар” (2012-2016 йй.) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади йўналишини вақт бўйича ўзгартирувчи параболик, аралаш турдаги дифференциал тенгламалар ва тенгламалар системалари учун нокоррект чегаравий ва нолокал масалаларни шартли корректликка текшириш ва уларнинг регулярлашган тақрибий ечимларини қуриш.

Тадқиқот вазифалари:

биринчи ва иккинчи тартибли оператор коэффициентли дифференциал тенгламалардан ташкил топган системалар учун Коши масалалар ечимлари ягоналиги ва шартли турғунлигини исботлаш, мос корректлик тўпламида регулярлашган тақрибий ечимларини қуриш;

йўналишини вақт бўйича ўзгартирувчи параболик тенгламалар системалари ва аралаш турдаги тенгламалар системалари учун бошланғич-чегаравий масалалар ечимларининг ягоналик ва шартли турғунлик теоремаларини исботлаш ва регулярлаштириш усули билан тақрибий ечимларини қуриш;

аралаш турдаги иккинчи ва тўртинчи тартибли тенгламалар учун, битта чизиқда бузилишга эга икки ўлчовли параболик турдаги тенгламалар системаси учун нолокал масалалар ечимларининг априор баҳосини олиш ва ягоналиги, шартли турғунлигини исботлаш;

йўналишини ўзгартирувчи икки ўлчовли параболик тенгламалар учун бошланғич-чегаравий масалаларни шартли корректликка текшириш ва регулярлашган тақрибий ечимларини қуриш;

битта чизиқда бузилишга эга дифференциал тенгламалар учун бошланғич-чегаравий масалаларни шартли корректликка текшириш ва мос корректлик тўпламида регулярлашган тақрибий ечимини қуриш;

кўп ўлчовли ҳолда аралаш турдаги иккинчи тартибли бир жинсли бўлмаган дифференциал тенглама учун бошланғич-чегаравий масала ечими ягоналиги ва шартли турғунлигини исботлаш;

юқори тартибли битта чизиқда бузилишга эга дифференциал тенгламалар системалари учун бошланғич-чегаравий масалалар ечимлари ягоналиги ва шартли турғунлигини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти вақт бўйича йўналишини ўзгартирувчи параболик тенгламалар, вақт бўйича йўналишини ўзгартирувчи параболик тенгламалар системаси, аралаш турдаги дифференциал тенгламалар, аралаш турдаги дифференциал тенгламалар системаси.

Тадқиқотнинг предмети йўналишини вақт бўйича ўзгартирувчи параболик тенгламалар ва тенгламалар системалари учун нокоррект чегаравий масалалар, аралаш турдаги дифференциал тенгламалар ва тенгламалар системалари учун нокоррект чегаравий масалалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда логарифмик қаварилик, интеграл энергия усуллари ва дифференциал тенгламалар ва математик физика масалаларини ечиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи ва иккинчи тартибли оператор коэффициентли дифференциал тенгламалардан ташкил топган системалар учун Коши масалалар ечимларининг ягоналиги ва шартли турғунлиги исботланган ҳамда мос корректлик тўпламида регулярлашган тақрибий ечимлари қурилган;

йўналишини вақт бўйича ўзгартирувчи параболик тенгламалар ва аралаш турдаги тенгламалар системалари учун бошланғич-чегаравий масалалар ечимларининг ягоналик ва шартли турғунлик теоремалари исботланган ва регулярлаштириш усули билан мос корректлик тўпламида тақрибий ечимлари қурилган;

иккинчи ва тўртинчи тартибли аралаш турдаги тенгламалар, битта чизиқда бузилишга эга икки ўлчовли параболик турдаги тенгламалар системаси учун нолокал масалалар ечимларининг априор баҳоси олинган ҳамда ягоналиги ва шартли турғунлиги исботланган;

кўп ўлчовли ҳолда аралаш турдаги иккинчи тартибли бир жинсли бўлмаган дифференциал тенглама учун бошланғич-чегаравий масала ечими ягоналиги ва шартли турғунлиги исботланган;

юқори тартибли битта чизиқда бузилишга эга дифференциал тенгламалар системалари учун бошланғич-чегаравий масалалар ечимлари ягоналиги ва шартли турғунлиги исботланган ҳамда хусусий ҳолларда мос корректлик тўпламида регулярлашган тақрибий ечимлари қурилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари аралаш турдаги тенгламалар ва тенгламалар системаси учун нокоррект бошланғич-чегаравий масалалар ечими априор баҳоси иккита чизиқда бузилишга эга дифференциал тенглама ва тенгламалар системаси учун нокоррект чегаравий, нокоррект ички масалаларни шартли корректликка текширишда қўлланилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик таҳлил, функционал анализ, дифференциал тенгламалар ва математик физика назарияси, нокоррект масалаларни ечиш усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг ва исботларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аралаш турдаги дифференциал тенгламалар ва тенгламалар системаси назарияси ҳамда нокоррект масалалар назариясининг ривожланиши учун фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аралаш турдаги дифференциал тенгламалар ва тенгламалар системаларига қўйилган нокоррект чегаравий масалалар билан ифодаланувчи ишораси ўзгарувчан коэффициентли суюқликлар ҳаракати, транстовушли газ динамикаси, магнитли гидродинамика, акустик тўлқинлар тарқалиши каби жараёнларнинг моделларига тадбиқ этиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аралаш турдаги юқори тартибли дифференциал тенгламалар ва тенгламалар системаси учун

нокоррект масалалар бўйича олинган натижалар асосида:

иккинчи тартибли аралаш турдаги тенгламалар, битта чизиқда бузилишга эга икки ўлчовли параболик турдаги тенгламалар системаси учун чегаравий масалалар ечимларининг априор баҳосидан «Эллиптик комплекслар билан боғлиқ оператор тенгламалар ечимларини регулярлаштириш» мавзусидаги хорижий грант лойиҳаси эллиптик ва параболик тенгламалар учун турли бошланғич-чегаравий масалаларини шартли турғунликка текширишда фойдаланилган (Сибир федерал университети Математика ва фундаментал информатика институтининг 2022 йил 26 апрелдаги 204-сонли маълумотномаси, Россия). Илмий натижаларнинг қўлланилиши эллиптик ва параболик тенгламаларни ўз ичига олган трансмиссиянинг турли бошланғич-чегаравий масалаларини қиёсий таҳлил қилиш, оптимал функционал фазоларни ва электр зарядларнинг тарқалиши жараёнларини тавсифлаш учун математик таҳлил усулларни танлаш имконини берган.

юқори тартибли битта чизиқда бузилишга эга дифференциал тенгламалар системаси учун бошланғич-чегаравий масала ечими ягоналиги ва шартли турғунлигидан ОТ-Ф4-02 рақамли «Математик физиканинг ҳолатлар тўплами чексиз бўлган моделлари термодинамикаси» мавзусидаги фундаментал лойиҳада интегро-дифференциал тенгламалар системаси учун қўйилган тескари масалани ечишда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2022 йил 25 апрелдаги 04-04/01-0881-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши SH тўлқинли интегро-дифференциал тенгламалар системаси учун қўйилган тескари масала ечимининг мавжудлиги ва ягоналигини исботлаш имконини берган.

битта чизиқда бузилишга эга иккинчи тартибли дифференциал тенглама учун бошланғич-чегаравий масалага мос спектрал масаланинг хос қийматлари ва хос функцияларидан ОТ-Ф-4-(36+32) рақамли «Математик физика ва оптимал бошқарув масалаларини ечишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада кўп ўлчовли ҳолда балка тебранишидаги бошланғич-чегаравий масала ечимини қуришда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий университетининг 2021 йил 16 декабрдаги 04/11-8352 сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши кўп ўлчовли ҳолда балка тебранишидаги бошланғич-чегаравий масалага мос спектрал масаланинг хос функциялари ва хос сонларини топиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши бўйича тадқиқот натижалари 23 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 13 та халқаро ва 10 та республика илмий - амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатция комиссиясининг фан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий

нашрларда 18 та мақола, жумладан, 6 таси хорижий ва 12 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 217 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Абстракт дифференциал тенгламалар системаси учун нокоррект чегаравий масалалар**» деб номланган биринчи бобида асосий натижаларни баён қилишда зарур бўладиган ёрдамчи маълумотлар келтирилган, оператор коэффициентли биринчи ва иккинчи тартибли дифференциал тенгламалардан ташкил топган системалар учун Коши масалалар ечимлари учун априор баҳолар олинган ва ягоналик, шартли турғунлик теоремалари исботланган. Мос корректлик тўпламларида регулярлашган тақрибий ечимлари қурилган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфида диссертация мавзуси бўйича олдин бажарилган тадқиқотларни умумлаштирувчи қисқача маълумот, коррект ва нокоррект масала тушунчаси, шартли коррект таърифи, А.Н.Тихонов теоремаси, логарифмик қабариқ функция таърифи, регулярлаштирувчи оила таърифи келтирилган.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфида биринчи тартибли дифференциал-оператор тенгламалар системаси учун нокоррект масала ўрганилган.

Фараз қиламиз $\left(u(t),v(t)\right)$ скаляр $t\left(0<t<T\right)$ аргументнинг функциялари бўлиб, қийматларини H Гильберт фазодан қабул қилсин, $f(t)$ ҳам t скаляр аргументининг функцияси бўлиб, қийматларини H Гильберт фазосидан қабул қилсин. Ушбу

$$\begin{cases} u_t(t)-Nu(t)=f(t), \\ v_t(t)-Av(t)=u(t) \end{cases} \tag{1}$$

оператор коэффициентли абстракт дифференциал тенгламалар системасини

$$u(0)=u_0, v(0)=v_0 \tag{2}$$

шартлар билан қараймиз, бу ерда N- ўзгармас чегараланмаган нормал оператор, спектр таркибига нол нуқта ва атрофи кирмайди, A- ўз-ўзига қўшма оператор.

У ҳолда (1) - (2) масала ечими учун $t \in (0,T)$ бўлганда

$$\begin{cases} \|u(t)\| \le \left(\|u(0)\| + \int\limits_0^T \|f(t)\| dt \right)^{1-\frac{t}{T}} \left(\|u(T)\| + \int\limits_0^T \|f(t)\| dt \right)^{\frac{t}{T}} + \int\limits_0^T \|f(t)\| dt, \\ \|v(t)\| \le \left(\|v(0)\| + \int\limits_0^T \|u(t)\| dt \right)^{1-\frac{t}{T}} \left(\|v(T)\| + \int\limits_0^T \|u(t)\| dt \right)^{\frac{t}{T}} + \int\limits_0^T \|u(t)\| dt \end{cases} \quad (3)$$

тенгсизликлар ўринли.

Ушбу (3) тенгсизликлар (1) тенгламалар системаси ечими учун априор баҳо эканлигини англаш қийин эмас. Бундан келиб чиқадики, N ва A операторлар учун берилган шартлар бўйича (1)-(2) масала ечими шартли турғун бўлади, агар $u \in M$ бўлса, бу ерда

$$M = \left\{ \|u(T)\| + \|v(T)\| \le m \right\}.$$

1-теорема. Фараз қилайлик, (1) - (2) масала ечими мавжуд ва $(u,v) \in M$. У ҳолда (1) - (2) масала ечими ягона.

Белгилашлар киритайлик, $(u(t), v(t))$ функциялар (1)-(2) масаланинг $u_0, v_0, f(t)$ аниқ берилганлар билан ечими, $(u_\varepsilon(t), v_\varepsilon(t))$ эса (1)-(2) масаланинг $u_{0\varepsilon}, v_{0\varepsilon}, f_\varepsilon(t)$ тақрибий берилганлар билан ечими бўлсин.

2-теорема. Фараз қилайлик, (1) - (2) масала ечими мавжуд, $\|u_0 - u_{0_\varepsilon}\| \le \varepsilon$, $\|v_0 - v_{0_\varepsilon}\| \le \varepsilon$, $\|f - f_\varepsilon\| \le \varepsilon$, $0 < t < T$ ва $(u,v), (u_\varepsilon, v_\varepsilon) \in M$, бу ерда $\varepsilon > 0$. У ҳолда

$$\|v(t) - v_\varepsilon(t)\| \le \delta_2(\varepsilon, t), \|u(t) - u_\varepsilon(t)\| \le \delta_1(\varepsilon, t),$$

бунда

$$\delta_1(\varepsilon, t) = \left((T+1)\varepsilon \right)^{1-\frac{t}{T}} \left(2m + T\varepsilon \right)^{\frac{t}{T}} + T\varepsilon,$$

$$\delta_2(\varepsilon, t) = \left(\varepsilon + \gamma(m, \varepsilon, T) \right)^{1-\frac{t}{T}} \left(2m + \gamma(m, \varepsilon, T) \right)^{\frac{t}{T}} + \gamma(m, \varepsilon, T),$$

$$\gamma(m, \varepsilon, T) = T(2m + T\varepsilon) / \ln\left(\frac{2m + T\varepsilon}{(T+1)\varepsilon} \right) + T^2 \varepsilon.$$

Биринчи бобнинг учинчи параграфида иккита чизиқли чегараланмаган операторли биринчи ва иккинчи тартибли абстракт дифференциал тенгламалар системаси учун нокоррект қўйилган чегаравий масала шартли турғунликка текширилган.

Фараз қилайлик, $u(t), v(t)$ скаляр $t \in [0,T]$ аргументнинг функциялари бўлсин, қийматларини H (ҳақиқий) Гильберт фазодан қабул қилади.

Ушбу дифференциал тенгламалар системасини қараймиз

$$\begin{cases} Bv_{tt}(t) - Av(t) = 0, \\ Bu_t(t) - Au(t) = v(\mathrm{t}) \end{cases} \tag{4}$$

бу ерда $A-$ ўз-ўзига қўшма мусбат аниқланган оператор бўлиб, аниқланиш соҳаси $D(A)$ ва H фазода зич жойлашган; B - ўз-ўзига қўшма оператор бўлиб, H фазони H фазога изоморф акслантирсин, бундан ташқари $E^+ + E^- = I$ бўлсин, бу ерда E^+, E^- - B оператор спекторининг мусбат ва манфий қисмларига мос келувчи спектрал проекторлар.

Масала. (4) тенгламалар системаси ва

$$v(0) = f,\ v_t(0) = g,\ u(0) = h. \tag{5}$$

шартларни қаноатлантирувчи ечимини топинг. Бунда (4) тенгламалар системаси ечими деганда қийматлари H фазодан олинган $(u(t), v(t))$ функциялар жуфтлиги тушунилади, қайсики $u(t)$, $v(t)$ функциялар $[0,T]$ сегментда кучли узлуксиз, шу сегментнинг барча ички нуқталарида тенгламалар системасида иштироқ этувчи кучли ҳосилаларга эга ва (4) тенгламалар системасини қаноатлантиради. Булардан келиб чиқадики, $0 < t < T$ бўлганда $u(t), v(t) \in D$, бу ерда $D = D(A) \cap D(\mathrm{B})$.

Тўплам киритамиз $M = \left\{ \left(Av(T), v(T) \right) + \left\| u(T) \right\|_0^2 \le m^2 \right\}$.

3-теорема. Фараз қилайлик, (4) тенгламалар системасининг (5) шартни қаноатлантирадиган ечими мавжуд ва $u(t), v(t) \in M$ бўлсин, у ҳолда (4) - (5) масала ечими ягонадир.

4-теорема. Фараз қилайлик, (4) тенгламалар системасининг (5) шартни қаноатлантирувчи ечими мавжуд ва $\left\| U(0) \right\| \le \varepsilon$, $\left(AV(0), V(0) \right) \le \varepsilon^2$, $\left| \left(AV(0), B^{-1}AV(0) \right) \right| \le \varepsilon^2$, $\left(AV'(0), V'(0) \right) \le \varepsilon^2$, $u(t), v(t) \in M$ бўлсин, у ҳолда (4)-(5) масала ечими учун

$$\left\| V(t) \right\|_0 \le \omega(\varepsilon, M, t),$$

$$\left\| U(t) \right\|_0 \le 2\left(\varepsilon^2 + \int_0^T \omega(\varepsilon, M, t)dt \right)^{\frac{T-t}{T}} \left(2m^2 + \int_0^T \omega(\varepsilon, M, t)dt \right)^{\frac{t}{T}} + \int_0^T \omega(\varepsilon, M, t)dt,$$

баҳолар ўринли, бу ерда $\omega(\varepsilon, M, t) = c(t)\left(\varepsilon^2 \right)^{\frac{T-t}{T}} \left(2m^2 + \varepsilon^2 \right)^{\frac{t}{T}} / \lambda$.

Умумийликни йўқотмасдан, дейлик $g = 0$, $\left\| f - f_\varepsilon \right\|_0 \le \varepsilon$, $\left\| h - h_\varepsilon \right\|_0 \le \varepsilon$ ва $u, v \in M$ бўлсин, у ҳолда аниқ ечим ва тақрибий берилганлар учун тақрибий ечим орасидаги фарқ нормаси учун баҳолар олинган. Ушбу тенгсизликлар ўнг тарафини минималлаштириб регулярлаштириш параметри аниқланади, бу сонли ҳисоблашларда фойдаланилади.

Биринчи бобнинг тўртинчи параграфида оператор коэффициентли иккинчи тартибли абстракт дифференциал тенгламалар системаси учун

чегаравий масаланинг шартли турғунлиги ўрганилган.

Фараз қиламиз $v(t), u(t)$ функциялар t, $0 \le t \le T$, скаляр аргументли ва қийматларини H Гильберт фазосидан олсин.

Дифференциал тенгламалар системасини қараймиз

$$\begin{cases} Bv_{tt}(t) - Av(t) = f, \\ Bu_{tt}(t) - Au(t) = v(t) \end{cases} \tag{6}$$

бу ерда $A-$ ўз-ўзига қўшма ва мусбат аниқланган оператор бўлиб, аниқланиш соҳаси $D(A)$ ва H фазода зич жойлашган; B - ўз-ўзига қўшма оператор бўлиб, H фазони H фазога изоморф акслантирсин, бундан ташқари $E^+ + E^- = I$ бўлсин, бу ерда E^+, E^- - B оператор спекторининг мусбат ва манфий қисмларига мос келувчи спектрал проекторлар.

Коши масаласи. (6) тенгламалар системасини ва

$$v(0) = g_1, v_t(0) = g_2, u(0) = g_3, u_t(0) = g_4. \tag{7}$$

шартларни қаноатлантирувчи ечимни топинг.

1-лемма. Фараз қиламиз $\omega(t)$ функция $\omega''(t) - \lambda\omega(t) = g(t)$, тенгламанинг ечими ва $\omega(0) = w_1$, $\omega'(0) = w_2$ шартларни қаноатлантирсин, у ҳолда ушбу тенглама ечими учун $t \in (0, T)$ бўлганда

$$\int_0^t w^2(\tau)d\tau \le c(t)\left(Tw_1^2 + \gamma\right)^{1-r(t)} \left(\int_0^T w^2(\tau)d\tau + \gamma\right)^{r(t)}$$

тенгсизлик ўринли, бу ерда λ - бирор константа, $g(t)$ - берилган функция,

$$\gamma = (2T^2 + 3)\int_0^T g^2(t)dt + 2\left|\lambda w_1^2 - w_2^2\right|T + 2\left|w_1 w_2\right|, \qquad r(t) = \frac{1 - e^{-2t}}{1 - e^{-2T}},$$

$$c(t) = \exp\left((T+1)\frac{\left(1 - e^{-2t}\right)T - \left(1 - e^{-2T}\right)t}{1 - e^{-2T}}\right).$$

Фараз қиламиз $\|g\|_1^2 = \sum_{k=1}^{\infty} \lambda_k^+ \left(g_k^+\right)^2 + \sum_{k=1}^{\infty} \left|\lambda_k^-\right| \left(g_k^-\right)^2$, бунда $g_k^{\pm} = \pm\left(Dg, \varphi_k^{\pm}\right)$, $D = E^+ - E^-$, $\lambda_k^{\pm}$- мос спектрал масаланинг мусбат ва манфий хос сонлари, φ_k^+, φ_k^- - хос функциялар.

Корректлик M тўпламини қуйидаги шаклда киритамиз

$$M = \left\{(v, u) : \|v(T)\|_0^2 + \|u(T)\|_0^2 \le m^2\right\}.$$

1-лемма асосида (6), (7) масаланинг ечими ягоналиги ва шартли турғунлиги теоремалари мос корректлик тўпламда исботланган.

Диссертациянинг **«Аралаш турдаги тенгламалар системалари учун бошланғич-чегаравий масалалар»** деб номланган иккинчи бобида биринчи, иккинчи ва учинчи тартибли аралаш турдаги тенгламалардан ташкил топган системалар учун бошланғич-чегаравий масалалар шартли корректликка

текширилган ва мос корректлик тўпламда регулярлашган тақрибий ечимлари қурилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи иккита қисмдан ташкил топган бўлиб, йўналишини вақт бўйича ўзгартирувчи параболик тенгламалар системалари учун нокоррект бошланғич-чегаравий масалалар ўрганилган.

I. Ушбу

$$\begin{cases} \operatorname{sgn}(x) v_t(x,t) + v_{xx}(x,t) = 0, \\ \operatorname{sgn}(x) u_t(x,t) + u_{xx}(x,t) = v(x,t) \end{cases} \tag{8}$$

тенгламалар системаси учун $\Omega = \{-1 < x < 1, x \neq 0, 0 < t < T\}$ соҳада бошланғич чегаравий масалани қараймиз.

Масаланинг қўйилиши. (8) тенгламалар системасининг, бошланғич

$$u(x,0) = f(x), v(x,0) = g(x), -1 \le x \le 1, \tag{9}$$

чегаравий

$$u(-1,t) = u(1,t) = 0,\ v(-1,t) = v(1,t) = 0,\ 0 \le t \le T, \tag{10}$$

ва тикиш шартларни

$$\left.\begin{aligned} u(-0,t) = u(+0,t), u_x(-0,t) = u_x(+0,t), \\ v(-0,t) = v(+0,t), v_x(-0,t) = v_x(+0,t), \end{aligned}\right\}, 0 \le t \le T. \tag{11}$$

қаноатлантирувчи $(u(x,t), v(x,t))$ ечимини топинг.

2-лемма. Фараз қиламиз $u(x,t)$ функция $\operatorname{sgn} x u_t(x,t) + u_{xx}(x,t) = v(x,t)$ тенгламани ва $u(-1,t) = u(1,t) = 0$, $u(-0,t) = u(+0,t)$, $u_x(-0,t) = u_x(+0,t)$ шартларни қаноатлантирсин, у ҳолда $u(x,t)$ функция учун

$$\|u(x,t)\|_0 \leqslant \sqrt{2}\left(\|u(x,0)\|_0 + \alpha\right)^{\frac{T-t}{T}} \left(\|u(x,T)\|_0 + \alpha\right)^{\frac{t}{T}} + \alpha$$

баҳо ўринли, бу ерда $\alpha = \left(\int_0^T \|v(x,t)\|_0^2 dt\right)^{\frac{1}{2}}$.

Корректлик $M = \left\{(u,v) : \|u(x,T)\|_0 + \|v(x,T)\|_0 \leqslant m\right\}$. тўпламни киритамиз.

Ушбу корректлик тўпламда (8)-(11) масаланинг ечими ягоналиги ва шартли турғунлиги бўйича теоремалар 2-лемма асосида исботланган.

Фараз қиламиз (8)-(11) масалада $f(x) = 0$, ечими мавжуд, $\|g(x) - g_\varepsilon(x)\|_0 \leqslant \varepsilon$ ва $\left(u(x,t), v(x,t)\right) \in M$ бўлсин. У ҳолда аниқ ечим ва тақрибий берилганлар учун регулярлашган ечим орасидаги фарқ нормаси учун баҳо олинган.

II. $\Omega = \{|x| < 1, x \neq 0, 0 < t < T\}$ соҳада

$$\begin{cases} u_t + \operatorname{sgn} x u_{xx} + av = f(x,t), \\ v_t + \operatorname{sgn} x v_{xx} + bu = g(x,t), \end{cases} \tag{12}$$

тенгламалар системасини тадқиқ қиламиз, бу ерда a, b - ўзгармас сонлар,

$ab>0$, $f(x,t), g(x,t)$ - манба функциялари бўлиб, етарлича силлиқ функциялар.

Фараз қиламиз $(u(x,t), v(x,t))$ функциялар жуфтлиги Ω соҳада (12) тенгламалар системасини, бошланғич

$$u\big|_{t=0}=\varphi(x),\ v\big|_{t=0}=\psi(x),\ x\in[-1;1] \tag{13}$$

чегаравий (10) ва тикиш (11) шартларни қаноатлантирсин, бу ерда $(x,t)\in\bar{\Omega}$ учун $\varphi(x), \psi(x)$ - етарлича силлиқ функциялар, ҳамда $\varphi(x)\big|_{x=\pm1}=\psi(x)\big|_{x=\pm1}=0$.

3-лемма. Фараз қиламиз $\big(u(x,t), v(x,t)\big)$ функциялар жуфтлиги Ω соҳада (12) тенгламалар системасини ҳамда (10), (11), (13) шартларни қаноатлантиради, у ҳолда улар учун

$$\|u\|_0\le\frac{\theta(t)}{2|b|},\ \|v\|_0\le\frac{\theta(t)}{2\sqrt{ab}},$$

тенгсизликлар ўринли, бу ерда

$$\theta(t)=\sqrt{2}\left(\|\bar{\varphi}(x)\|_0+\alpha\right)^{\frac{T-t}{T}}\left(\left\|bu(x,T)+\sqrt{ab}v(x,T)\right\|_0+\alpha e^{-\sqrt{ab}T}\right)^{\frac{t}{T}}+\alpha e^{-\sqrt{ab}t}+$$

$$\sqrt{2}\left(\|\bar{\psi}(x)\|_0+\beta\right)^{\frac{T-t}{T}}\left(\left\|bu(x,T)-\sqrt{ab}v(x,T)\right\|_0+\beta e^{\sqrt{ab}T}\right)^{\frac{t}{T}}+\beta e^{\sqrt{ab}t},$$

$$\alpha=\left(\int_0^T\|\bar{f}\|_0^2\,dt\right)^{1/2},\quad \beta=\left(\int_0^T\|\bar{g}\|_0^2\,dt\right)^{1/2},\quad \bar{f}=\left(bf+\sqrt{ab}g\right)e^{\sqrt{ab}t},\quad \bar{\varphi}=b\varphi+\sqrt{ab}\psi,$$

$$\bar{g}=\left(bf-\sqrt{ab}g\right)e^{-\sqrt{ab}t},\ \bar{\psi}=b\varphi-\sqrt{ab}\psi.$$

Фараз қиламиз (12), (13) масала ечими мавжуд ва $(u,v)\in M$, у ҳолда унинг ягоналиги в шартли турғунлиги исботланган.

Фараз қиламиз (12), (13) масалада $\varphi(x)=0, \psi(x)=0$, масаланинг ечими мавжуд, $\max\limits_{t\in[0;T]}\|f(x,t)-f_\varepsilon(x,t)\|_0\le\varepsilon$, $\max\limits_{t\in[0;T]}\|g(x,t)-g_\varepsilon(x,t)\|_0\le\varepsilon$ ва $\big(u(x,t), v(x,t)\big)\in M$. У ҳолда аниқ ечим ва тақрибий берилганларга мос тақрибий ечим орасидаги фарқ нормаси учун баҳолар олинган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида бир жинсли иккинчи тартибли аралаш турдаги ва йўналишини вақт бўйича ўзгартирувчи параболик тенгламалардан ташкил топган система учун бошланғич-чегаравий масаланинг шартли корректлиги ўрганилган. Мос корректлик тўпламида регулярлашган ечими қурилган.

Ушбу

$$\begin{cases}\operatorname{sgn}x\,v_{tt}(x,t)+v_{xx}(x,t)=0,\\ \operatorname{sgn}x\,u_t(x,t)+u_{xx}(x,t)=v(x,t),\end{cases} \tag{14}$$

тенгламалар системасини $\Omega=\{-1<x<1, x\ne0,\ 0<t<T\}$ соҳада қараймиз.

Масаланинг қўйилиши. (14) тенгламалар системасининг, бошланғич

$$u(x,0)=f(x),\ v(x,0)=g(x),\ v_t(x,0)=h(x),\ -1\le x\le 1, \qquad (15)$$

чегаравий (10) ва тикиш (11) шартларни қаноатлантиручи $(u(x,t),v(x,t))$ ечимини топинг.

Корректлик M тўплами

$$M=\left\{(u,v):\int_{-1}^{1}u^2(x,T)dx+\int_{-1}^{1}v_x^2(x,T)dx\le m^2\right\}.$$

5-теорема. Фараз қиламиз (14), (15) масала ечими мавжуд ва $(u(x,t),v(x,t))\in M$, у ҳолда масала ечими ягона.

6-теорема. Фараз қиламиз (14), (15) масала ечими мавжуд, $(u(x,t),v(x,t))\in M$, $(u_\varepsilon(x,t),v_\varepsilon(x,t))\in M$ $\|f(x)-f_\varepsilon(x)\|\le\varepsilon$, $\|g(x)-g_\varepsilon(x)\|_{W_2^2}\le\varepsilon$, $\|h'(x)-h'_\varepsilon(x)\|\le\varepsilon$ бўлсин. У ҳолда (14), (15) масала ечими

$$\|v(x,t)-v_\varepsilon(x,t)\|^2\le\gamma(m,\varepsilon),$$

$$\|u(x,t)-u_\varepsilon(x,t)\|^2\le\left(\varepsilon^2+\gamma(m,\varepsilon)\right)^{\frac{T-t}{T}}\left(2m^2+\gamma(m,\varepsilon)\right)^{\frac{t}{T}}+\gamma(m,\varepsilon)$$

тенгсизликларни қаноатлантиради, бу ерда

$$\gamma(m,\varepsilon)=4\int_0^T\left(2\varepsilon^2\right)^{\frac{T-t}{T}}\left(2m^2+\varepsilon^2\right)^{\frac{t}{T}}e^{2t(T-t)}dt.$$

Фараз қиламиз (14), (15) масала ечими мавжуд, $\left(u(x,t),v(x,t)\right)\in M$, бундан ташқари $\|f(x)-f_\varepsilon(x)\|\le\varepsilon$, $\|g(x)-g_\varepsilon(x)\|\le\varepsilon$, $\|h(x)-h_\varepsilon(x)\|\le\varepsilon$ бўлсин. У ҳолда аниқ ечим ва регулярлаштириш усули билан қурилган тақрибий берилганларга мос тақрибий ечим орасидаги фарқ нормаси учун баҳолар олинган.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи аралаш турдаги иккинчи тартибли тенгламалар системаси учун нокоррект чегаравий масаланинг шартли корректлиги ва тақрибий ечимини ўрганишга бағишланган.

Масаланинг қўйилиши. Фараз қиламиз $(v(x,t),u(x,t))$ функциялар жуфтлиги $\Omega=\{-1<x<1,x\ne 0,0<t<T\}$ соҳада

$$\begin{cases} sign(x)v_{tt}(x,t)-Lv(x,t)=f(x,t),\\ sign(x)u_{tt}(x,t)-Lu(x,t)=v(x,t),\end{cases} \qquad (16)$$

тенгламалар системасини, бошланғич

$$\left.\begin{aligned} v(x,0)=\varphi_1(x),v_t(x,0)=\varphi_2(x),\\ u(x,0)=\varphi_3(x),u_t(x,0)=\varphi_4(x),\end{aligned}\right\}-1\leqslant x\leqslant 1, \qquad (17)$$

чегаравий (10) ва тикиш (11) шартларини қаноатлантирувчи ечими бўлсин, бу ерда $Lv\equiv-\frac{\partial}{\partial x}\left(p(x)v_x(x,t)\right)+q(x)v(x,t)$ ва $p(x),p'(x),q(x)$ функциялар $[-1,1]$ сегментда узлуксиз, $q(x)\geqslant 0$, $p(x)>p_0$, p_0 - бирор мусбат ўзгармас бўлсин.

7-теорема. Фараз қиламиз $\left(v(t),u(t)\right)$ функциялар жуфтлиги (16), (17) шартларни қаноатлантирувчи тенгламалар системасининг ечими бўлсин, бунда $\varphi_1(x)=0$, $\varphi_3(x)=0$. У ҳолда

$$\int_0^t \|v(x,\tau)\|_0^2\, d\tau \leqslant c(t)\left(\beta\right)^{1-r(t)}\left(\int_0^T \|v(x,t)\|_0^2\, dt+\beta\right)^{r(t)},$$

$$\int_0^t \|u(x,\tau)\|_0^2\, d\tau \leqslant c(t)\left(\theta\right)^{1-r(t)}\left(\int_0^T \|u(x,t)\|_0^2\, dt+\theta\right)^{r(t)}$$

баҳолар ўринли, бу ерда $\beta=(2T^2+3)\int_0^T \|f(x,t)\|_0^2\, dt+2T\|\varphi_2(x)\|_0^2$,

$\theta=(2T^2+3)\int_0^T \|v(x,t)\|_0^2\, dt+2T\|\varphi_4(x)\|_0^2$.

Корректлик $M=\left\{(v,u):\|v(x,T)\|_0^2+\|u(x,T)\|_0^2\leqslant m^2\right\}$ тўпламни киритамиз.

7-теоремадан фойдаланиб M тўпламда (16), (17) масала ечими ягоналиги ва шартли турғунлиги исботланган.

Фараз қиламиз $f(x,t)=0$, $\varphi_1(x)=0$, $\varphi_3(x)=0$, $\varphi_4(x)=0$, (16), (17) масаланинг ечими мавжуд ва $(v(x,t),u(x,t))\in M$, $\left\|\varphi_2(x)-\varphi_{2_\varepsilon}(x)\right\|_0\leqslant\varepsilon$ бўлсин. У ҳолда Тихонов регулярлаштириш ва квази-тескари усуллари билан аниқ ечим ва тақрибий берилганлар бўйича тақрибий ечим орасидаги фарқ нормаси учун баҳолар олинган. Ушбу баҳоларни $\varepsilon>0$ бўлганда мос равишда N ва α ўзгарувчилар бўйича минималлаштириб ε, m ва T катталикларга боғлиқ бўлган регулярлаштириш параметри ҳисобланади.

Иккинчи бобнинг тўртинчи параграфида учинчи тартибли аралаш турдаги тенгламалар системаси учун нокоррект масаланинг шартли корректлиги ва тақрибий ечими тадқиқ қилинган.

Масаланинг қўйилиши. Фараз қиламиз $\left(v(x,t),u(x,t)\right)$ функциялар жуфтлиги $\Omega=\left\{-1<x<1, x\neq 0,\ 0<t<T\right\}$ соҳада

$$\begin{cases} sgn(x)v_{ttt}-Lv_t=sgn(x)f, \\ sgn(x)u_{ttt}-Lu_t=sgn(x)v, \end{cases} \tag{18}$$

тенгламалар системасини, бошланғич

$$\left.\begin{aligned} &v\big|_{t=0}=\varphi_1(x),\ v_t\big|_{t=0}=\varphi_2(x),\ v_{tt}\big|_{t=0}=\varphi_3(x), \\ &u\big|_{t=0}=\psi_1(x),\ u_t\big|_{t=0}=\psi_2(x),\ u_{tt}\big|_{t=0}=\psi_3(x) \end{aligned}\right\}, -1\leq x\leq 1 \tag{19}$$

чегаравий (10) ва тикиш (11) шартларни қаноатлантирувчи ечим бўлсин, бу ерда $Lv(x,t)\equiv-\frac{\partial}{\partial x}\left(p(x)v_x\right)+q(x)v$ ва $p(x)$, $p'(x)$, $q(x)$ - функциялар $[-1,1]$

сегментда узлуксиз, $q(x) \geq 0, p(x) > p_0$, p_0 - мусбат ўзгармас сон.

Корректлик $M = \left\{ (v,u) : \|u_t(x,T)\|_0^2 + \|v_t(x,T)\|_0^2 \leqslant m^2 \right\}$ тўпламни киритамиз.

Ушбу (18), (19) масаланинг $(v,u) \in M$ бўлганда ечими ягоналиги ва шартли турғунлиги ҳақидаги теоремалар исботланган.

Регулярлаштириш усули билан (18), (19) масаланинг корректлик тўпламида тақрибий ечими қурилган

Диссертациянинг **«Аралаш турдаги тенгламалар учун нолокал чегаравий масалалар»** деб номланган учинчи бобида аралаш турдаги иккинчи тартибли дифференциал тенглама, йўналишини ўзгартирувчи параболик тенгламалар системаси ва аралаш турдаги тўртинчи тартибли дифференциал тенглама учун нолокал масалалар ўрганилган. Ушбу масалалар ечимининг ягоналик ва шартли турғунлик теоремалари исботланган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида Лаврентьев-Бицадзе тенгламаси учун нолокал масала шартли корректликка ўрганилган.

Ўрганилаётган масала математик физиканинг нокоррект масалалар синфига киради, яъни масала ечими бошланғич берилганларга узлуксиз боғлиқ эмас. Бундан ташқари, бу масалада кичик махраж муаммоси пайдо бўлади, яъни барча берилганлар учун масала ечими мавжуд ва ягона эмас.

Масаланинг қўйилиши. Фараз қиламиз $\Omega = (-1;1)$, Q соҳа эса $\Omega \times (0,T)$ тўғритўртбурчак бўлсин, $0 < T < +\infty$. Масала: Q соҳадаги

$$\operatorname{sgn} x u_{tt}(x,t) + u_{xx}(x,t) = 0, \tag{20}$$

тенгламанинг ечими бўлган, нолокал

$$\left.\begin{aligned} &\alpha_1 u(x,0) + \beta_1 u(x,T) = f(x), \\ &\alpha_2 u_t(x,0) + \beta_2 u_t(x,T) = g(x) \end{aligned}\right\}, |\alpha_i| + |\beta_i| \neq 0,\ i = 1,2.,\ x \in \bar{\Omega}, \tag{21}$$

чегаравий

$$u(-1,t) = u(1,t) = 0,\ 0 \leq t \leq T, \tag{22}$$

ва тикиш

$$u(-0,t) = u(+0,t),\ u_x(-0,t) = u_x(+0,t),\ 0 \leq t \leq T, \tag{23}$$

шартларни қаноатлантирувчи $u(x,t)$ функцияни топинг, бу ерда $f(x)$, $g(x)$ - етарлича силлиқ функциялар.

Белгилаш киритамиз $\xi = -\dfrac{\alpha_1\alpha_2 + \beta_1\beta_2}{\alpha_1\beta_2 + \alpha_2\beta_1}$, μ_k - $tg\,\mu = -th\mu$ тенгламанинг мусбат илдизлари.

1-шарт. Фараз қиламиз $\alpha_1\beta_2 + \alpha_2\beta_1 \neq 0$, $|\xi| \leq 1$ ва $\mu_k T = \pm \arccos \xi + 2\pi n$ тенглама n ўзгарувчига нисбатан бутун сонларда ечимга эга эмас, $k \in N$.

2-шарт. Фараз қиламиз $\alpha_1\beta_2 + \alpha_2\beta_1 \neq 0$, $\xi > 1$ ва $\mu_k T \neq \ln\left(\xi \pm \sqrt{\xi^2 - 1}\right)$, шарт бажарилсин, $k \in N$.

3-шарт. Фараз қиламиз $\alpha_1 = 0,\ \beta_2 = 0$ ва $\mu_k T = \dfrac{\pi}{2} + \pi n$ тенглама n ўзгарувчига нисбатан бутун сонларда ечимга эга эмас, $k \in N$.

8-теорема. Фараз қиламиз 3-шарт бажарилсин. У ҳолда (20)-(23) масаланинг ихтиёрий умумлашган ечими деярли барча (Лебег ўлчови маъносида) $T > 0$ сонлар учун

$$\|u(x,t)\|_0^2 \le C_1 \beta_1^{-2} \|f(x)\|_{W_2^2}^2 + C_2 \alpha_2^{-2} \|g(x)\|_{W_2^1}^2$$

тенгсизлик ўринли, бу ерда C_1, C_2 -мусбат ўзгармас сонлар.

9-теорема. Фараз қиламиз 1-шарт бажарилсин. У ҳолда (20)-(23) масаланинг ихтиёрий умумлашган ечими деярли барча (Лебег ўлчови маъносида) $T > 0$ сонлар учун

